



## МУХАММАД СОЛИХ 64 ЁШДА

20 декабр - ўзбек адабиёти ва сиёсатининг йирик дарғаси Мухаммад Солихнинг туғилган куни

Бугунги дастуримиз таниқли ўзбек шоири Мухаммад Солихнинг 55 ёшга тўлиши муносабати билан шоир ижодига бағишланади. Унда сиз шоир билан бўлиб ўтган суҳбат, Мухаммад Солих ижоди ҳақида ўзбек шоирлари фикрлари, шоир ва унинг ижоди борасида бугунги ёшлар мулоҳазалари билан танишасиз.

Шунингдек дастур давомида шоирнинг янги шеърларидан айрим намуналарни ҳам ҳавола этамиз.

*Ўша сиз билган шоир М.Солих  
Аллақачон ўлган, йўқ бўлган,  
синган.  
Дунёни тарк этиб дарвеш  
мисоли,  
Берилган эмиш у тамоман  
динга,  
Қани тўғри бўлса авомнинг гапи,  
Аввалги М.Солих ўлган бўлсайди,  
Юраги дарвешлар юраги каби,  
Динга, фақат динга  
тўлган бўлсайди.*

Энди эса Мухаммад Солих таржимаи ҳоли ҳақида икки оғиз сўз.

“Мухаммад Солих 1949 йили Хоразм вилоятида туғилган. Илк шеърини китоби 1977 йили чоп этилган. 1977 йилдан то бугунги кунгача ўнлаб шеърини, насрий ва публицистик китоблари, таржималари Ўзбекистонда ва хорижда чоп этилган.

Асарлари рус, украин, латиш, эстон ва турк тилларига таржима қилинган. Мухаммад Ғазолий асарлари шунингдек турк адабиётидан Юнус Эмра ва Дада Қўрқутга оид асарларни ўзбекчалаштирган”.

Биз Мухаммад Солихга дастлаб “Ҳозир ҳам ижод билан шуғулланаяпсизми?” деган савол билан мурожаат қилдик.

Мухаммад Солих: “Ассалому алайкум барчага. Албатта, ижод деркан сиз шеър ва бади-

ий таржимани назарда тутаётган бўлсангиз, афсус мен ижод билан шуғулланаётганим йўқ. Аммо таржима билан шуғулланаяпман.

Таржима қилаётганим асар модада бўлмаган икки жилдди жуда катта бир китоб. Балки бу китоб ҳеч қачон мода бўлмас.

Буни мен ўзим учун, тўғрироғи ўз нафсимга таскин бериш учун, яъни сен ҳам бу дунёда бир савоб иш қилдинг, деб уни юпатиш учун қилаётганим бир иш десак бўлади. Бу таржиманинг инсонларга фойдаси тегади деган умиддаман.”

Ўтган асрнинг 70-йилларида ўзбек адабиётига бир гуруҳ ёшлар кириб келди. Мухаммад Солих, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Усмон Азим.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бундан сал олдинроқ Рауф Парфи ижоди ўзбек адабиётида бир воқеа бўлган бўлса, 70- йиллар авлоди асарлари ўзбек шеърини уфқларини янада кенгайтди.

Уларнинг ичида Мухаммад Солих алоҳида ўринга эга, дейди биз билан суҳбатда шоир Рауф Парфи.

“Мухаммад Солих 1960-1970 йилларда ўзбек шеърини мутлақо бир янги тўлқиннинг устида турди.

Бу тўлқин 50- йиллар унутилиб кетган, гарчи ҳукумат тарафидан 1956 йилда, дейлик Фитрат, Чўлпон, Қодирийлар оқланган бўлса ҳам, 1980 йилларга келиб уларнинг китоблари чиқди.

Демак меросимиз жуда узок

қаровсиз қолди. Фитрат, Чўлпон, Қодирий ва бошқа шоирларимизнинг асосий ғояси Туркистон ғояси эди. Туркистон ғояси худди Ислом каби босқинчилар учун, мустамлақачилар учун жуда қўрқинчли бир душман эди.

Ана шу руҳимиздан юлиб олинган ғояни Чўлпон, Фитратлардан кейин ўзбек шеърини биринчи бўлиб айтган шоир Мухаммад Солих бўлади”.

Озодлик: 20 -асрда ўзбек ижодкорлари қандай синовларга дуч келдилар ва бу синовлардан улар қандай ўта олдилар?

Мухаммад Солих: “Бу саволга жавоб беришдан олдин 1987 йилда ёзилган битта шеъримдан бир парча ўқиб берай.

*Қаргалган миллати,  
хўкиздай ишлаб,  
Раҳматнинг ўрнига  
эшитар миннат.  
Бор-йўғин дунёнинг  
пойига ташлаб,  
Ўзри деб ном олар,  
қаргалган миллат.  
Қаргалган миллатнинг  
келажаги тул,  
Дарёлари қуриб, чирир ерлари,  
Қаргалган миллатнинг  
болалари қул,  
Аёллари тумсо, бепушт эрлари.  
Қаргалган миллатнинг  
қозиси фосиқ,  
Олими савдогар, илм сотиб  
яшар.  
Шоирлари эса ақлдан озиб,  
Душмандан муқофот  
олмоққа шошар.*

Бу шеър жуда мискин бир шеър. Бу шеър 1987 йилда ёзилган бўлса ҳам бугунги кунимизга тўғри келди.

Фикримча, 2000 йиллар ва 90-йиллар бошидаги синовдан ўтган ва ўта олмаганларнинг сони орасидаги фарқ худди 30- йилларда Сталин қатағонида синовдан ўтган ва ўта олмаганларнинг сони орасидаги фарқ каби каттадир.

Яъни синовдан ўта олмаганлар мингларча бўлса, ўтганларнинг сони балки юзтага ҳам етмаса керак.”

(Давоми 2-саҳифада)

(Давоми: Боши 1-саҳифада)

Рауф Парфи: “Хар бир шеърининг маънавий нуқтаси бу ватан ҳақидаги, озодлик ҳақидаги, эрк ҳақидаги шеърлар эди.

Шу маънода у ўз тенгдошларидан, умуман ўзбек шеърлятида янги бир ғояни олиб чиққан шоир сифатида қарашни хоҳлар эдим.

Бизнинг олимларимиз, балки бундай тухматга қолишини билмаганмиз албатта.

Гарчи ҳаммаси ёлғон экан-

## МУҲАММАД СОЛИХ 64 ЁШДА

лигини била туриб, унинг собиқ дўстлари уни айблаб мажлислар ўтказишганида ҳайратга тушиб кулоқ солиб ўтирганман.

Булар дўстлари эди-ку. Бир бурда нонни бирга ейдиган дўстлари чиқиб “Бизга бундай сотқин шоир керак эмас. Шеърларини ҳам ҳеч ким тушунмас эди. Шеърлари ҳам ҳеч кимга керак эмас”, деган гапларни гапириб чиқиб, мени ҳайратга солди.

Ўзларининг тенгдош дўстлари! М.Солих ўн йиллардан буён узоқларда юрган бўлса, бу йилларни миллатимизнинг, халқимизнинг синов йиллари десак бўлади. Балки бу М.Солих учун ҳам синов йилларидир. Бу синов йилларидан жуда кўпчилик ўзбек шоирлари ўта олмади.”

Озодлик: М.Солих ака, сиз ижодий қувватга тўлган бир пайтда сиёсатга ўтиб кетдингиз, ёзмай кўйдингиз. Кўплаб ўқувчиларингиз бундан афсусландилар ҳам. Ўзингизда ҳам шундай туйғу кечмадимми?

М.Солих: Мен бу маънода афсусланганим йўқ. Тўғриси афсусланишга вақт ҳам бўлгани йўқ. Мен сиёсатга кирдим чунки бу бир миллий вазифа эди.

Вазифа ҳали ҳам битгани йўқ. Сиёсатни шеърдан устун кўйдим, чунки сиёсат қулликдан кутулиш йўлида, озодлик йўлида шеърлятига нисбатан кучлироқ восита эди. Уни мақсадга эришгунча қўлланишга қарорим қатъий ва мен сиёсатни давом эттирмақчиман. Балки бир кун келиб шеър ҳам ёзишим мумкин аммо бугун унга вақт йўқ.

Бу хусусда ҳатто ўша 1975 йилда, ёшликда ёзилган бир шеърни кўриб қолдим.

*Менда имкон бор ҳали,  
Шеър, севги деб алдамасликка.  
Озодликни севган инсонни.  
Бисотимда имкон бор ахир,  
Қаламни синдириш имкони.*

Яъни халқимизнинг озодликка эришиш имкони пайдо бўлганини кўрганим кун, ўша шеър ёзадиган қаламни мажозий маънода эмас, реал маънода синдирдим ва мақолалар ёзишга ўтдим.”

**Ғариб дарахт**

*Одамлар каби мен дунёни кезиб,  
Ёза олмадимку шеърый*

*туркумлар,*

*Чунки ота юртдан чикқаним сезиб,*

*Тарк этарлар мени ҳижо,*

*рукнлар.*

*Чунки келиш учун кўзларимга ёш,*

*Пайдо бўлиш учун илҳом юракда,  
Менга жуда зарур аччиқ бир кўёш,*

*Кескин континентал*

*иқлим керакдир.*

*Шундай экан*

*денгиз қирғоқларидан,*

*Яшил ўрмонлардан менга*

*сўз очма.*

*Мен ёлғиз*

*Туркистон тупроқларида*

*Ўса оладиган ғариб оғочман.*

Муҳаммад Солих шеърлятининг унинг илк асарлариданок бош ғояси мустақиллик, эрк, Туркистон мавзулари эди, дейди шоир Рауф Парфи.

“Муҳаммад Солихнинг биринчи кучли тебраниши унинг Туркистон ғоясини англаши, Туркистон руҳини билиши. Унинг шеърлятидаги бутун истиоралар, шеърый санъатлар Туркистонни англаш санъати эди. Шу билан мутлақо мустақиллик нима эканини билмайдиган, ҳозиргача ҳам ёши 60, 70га бориб ҳали шеърлятининг асоси нима эканини билмайдиган, бугун бемалол яшаб юрган шоирларимиз ҳеч қачон мустақиллик ғоясини билмайди”.

Навбатдаги суҳбатдошимиз ёш ўзбек шоири Файзуллоҳ.

“1986 йилда “Фан ва турмуш” журналининг биринчи саҳифасида Муҳаммад Солихнинг қаламига мансуб шеър эълон қилинган.

Бу пайтда, агар эътибор берсангиз, бугунги унча-мунча Ўзбекистон қахрамонлари нима дейиш мумкинлигини ҳали ўйлаб турган, тарозининг қайси томони-га ўтган маъқулроқ деб турган бир пайтда Солих шундай шеър ёзган:

*Худо қарамади менинг раъйим-га,*

*Буйруқни чиқарди, муҳрни босди.  
Ва ижрочи фаришта*

*қоқ манглаймга,*

*Нотаниш ёзувда нимадир ёзди.*

*Кейин ерга тушдим*

*уйдагилар ҳам,*

*Ёзувни ўқиёлмай бўлдилар сарсон.*

*Нихоят марказдан*

*келган бир одам,*

*Ўқиди ва деди: сен пахтакорсан.*

*Шу-шу олтин топган*

*қул каби хурсанд,*

*Юраман гўзалар очилса гулдай,*

*Фақат мен қоламан келганда аёз,*

*Олтинин йўқотиб қўйган қулдай.*

*Тушларимда эса сўкинаман бад,*

*Унгимдачи, тавба дейман асосан.*

*Ҳарқалай энг ширин*

*таом бу меҳнат,*

*Энг катта идиш бу сабр косаси.*

Рауф Парфи: Ўзбекадабиётининг 20 -аср тарихи Муҳаммад Солихсиз у ўзбек адабиётининг тарихи бўла олмаслигини билган ҳолда ҳам у ҳақида лом-мим дейилмайди.

Илгари замонлар қандай лом-мим демаслик керак бўлса, бугун ҳам лом-мим дейилмайди. Бу бизнинг ўрганиб қолган қулликка, ҳақоратга кўниккан ёвузликни келтириб чиқарадиган жаҳолатнинг кўринишларидир”.

Муҳаммад Солих 20 йилдан буён муҳожиратда яшайди. Шу давр мобайнида етишиб чиққан ёшлар унинг ижодидан хабардорми?

Шу ўринда Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирида ҳамкоримиз талабалар ўртасида ўтказган сўровни эътиборингизга ҳавола этамиз.

“Муҳаммад Солих ўз шеърларида фикрлашга чакиради.

Усмон Азим билан солиштирганда Усмон Азим кўпроқ воқеликнинг лирик баёнини беради. Муҳаммад Солих эса воқеликни аниқ, реал кўрсатиб беради”.

“Муҳаммад Солихни бир марта ўқиганман. Ундан кейин рост гап уни одам ўқишга кўрққан.

У ҳақда ҳатто ўйлашга ҳам кўрқаман. Уни бир марта ўқиб чиққан бўлсам ҳам унинг шуъласи қандайдир хаёлимдан ҳалигача кетмаган”.

“Ҳеч ким ўқишни таъқиқламаган. Бизнинг мактабимизнинг кутубхонасида Муҳаммад Солихнинг китоби турган.

Ушанда олиб ўқиганман”.

“Биласизми бизда шунақа нарса борки, бир танқидга учраган одам

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*  
ҳақида ҳамма нарсани таъқиқлаб қўйишади. Мен Солиҳнинг ижодини шоир сифатида ўрганилишини хоҳлардим. Шунақа шоирлар борки, улар учун замон, макон тушунчаси бегона”.

“Менга Муҳаммад Солиҳнинг “Токи” деб номланган шеъри ёқади. Бу шеърда у ўзининг келажагини гўёки олдиндан кўргандек туюлади.

## МУҲАММАД СОЛИХ 64 ЁШДА

### Токи

Мендан юз ўгириб  
кетиб қолганича токи хотиним,  
Ўзимнинг фарзандим,  
Ўзимнинг болам.  
Ўзимни масҳара этганича то,  
Токи номим лаънат  
тахтасига осилгунича.  
То бўйнимга қилич  
тушганга қадар,  
Дейману тўхтайман,  
Наҳотки дейман, наҳотки  
Шунча қурбон керак  
сенга ҳақиқат.

Мустақил ижодкорлардан Рустамжон Қаюмов бугун Андижон вилояти аҳолиси, айниқса ёшлар, Муҳаммад Солиҳ шеърятини билан танишиш имкониятидан маҳрум эканлигини айтар экан, мавзуга шундай изоҳ берди.

“Менинг назаримда Муҳаммад Солиҳнинг китоблари ҳозирги кунда Ўзбекистонда сотувда бўлмаса керак. Кутубхоналардан ҳам йиғиштириб олинган бўлса керак.

Шахсан мен ўзим биронта кутубхонада учратмадим ёки бир китоб дўконларида кўрганим йўқ.

Лекин менинг ўзимда Муҳаммад Солиҳнинг бир-иккита китоблари бор”.

М.Солиҳнинг шеърий китоблари бугун вилоятдаги кутубхоналарда мавжуд эмаслиги борасида суҳбатдошимиз Анорхон опа ҳам шундай мисолни айтади.

“Бугунги кунда кутубхоналарда йўқ. Мен ўзим бир воқеага гувоҳ бўлганман. Туман халқ таълими бўлимнинг омборида китобларнинг аянчли аҳволда чириб ётганини кўрдим. Кейин укам бир шаҳар кутубхонасига келса, у ерда М.Солиҳнинг китобларини ажратиб олиб ташлашаётган экан. Илтимос қилиб 90 йилларда чиққан “Орзу фуқароси” деб номланган китобини олган. Унинг ўнтасини биз олганмиз”.

Суҳбатдошларимиз айни чоғда М.Солиҳ шеърятининг ўзига хос томонлари борасида ҳам

қўшимчалар қилди.

“Қисқа, лўнда ва чиройли ёзади. Бу чиройли ёзади деганимнинг сабаби шундаки, Муҳаммад Солиҳ шеърятини ҳозирги замон ўзбек шеърятининг энг олдинги қаторларида туради десам адашмасам керак”.

“Айтгандан кўра, келинг яхши-сининг сиёсий шеърларидан ўқиб берай. Мана шунинг учун унинг номи қора бўлган.

Ўт бор, ўлан бор,  
Майсадан гилам бор.  
Май бор, палов бор,  
Алвонранг ўлов бор.

Бахт бор, саодат бор,  
Тўй бор, зиёфат бор.  
Ҳамма нарса бор  
Ўзбекдан бошқа.

Қари бор, қартанг бор,  
Каттаю кичик бор.  
Аччиқ бор, чучук бор,  
Ит билан кучук бор,

Қурт бор, қумурсқа бор,  
Илон бор, чаён бор,  
Ҳамма нарса бор,  
Ўзбекдан бошқа.

Ўзбек қани?  
Ўзбек пахтада.

Шунақа десам менинг болаларим буғдойда, пиллада, шопипояда деб қўшиб қўйишади”.

Дастуримизга Муҳаммад Солиҳнинг туркум шеърлари билан якун ясамак.

### На гўзал

Бир ёнда ожизу, бир ёнда кучли  
Кураш бошланаркан  
тарафма-тараф,  
ожизнинг ёнини олганинг учун  
“хоин” деб ном олмоқ  
нақадар шараф!

На шараф, халқини қул  
этанг подшоҳ  
“менинг душманам”  
деб сени атаса,  
жазавага тушса исминг  
эшитган чоғ  
китобингни ўқиб, йиртса,  
топтаса!

На шарафки зулмга  
“зулм!” дея олсанг,  
бошингда ҳар куни синса-да  
таёқ,  
шайтондан кўрқмаслик  
нақадар гўзал,  
на гўзал ягона Оллоҳдан кўрқмоқ!  
Шухрат Бобоҷонов



## РАМАЗОН КУНЛАРИ

Аллоҳнинг раҳматин,  
нusrатин кутинг  
Барча кўз уйқуга  
чўмган тунларда.  
Асрий занжирларни  
елкадан отинг  
Шайтонлар занжирбанд  
бўлган кунларда!

Бизки, кўнгилларни  
айладик вайрон,  
Бугун ўзимизга ўзимиз ҳайрон.  
Энди қўлимизда  
муқаддас Қуръон  
Шайтонлар занжирбанд  
бўлган кунларда!

Бизга дарс ўқитманг  
фалсафалардан,  
Дунё безиб бўлган  
васвасалардан.  
Ҳолимиз телбавий  
талвасалардан  
Шайтонлар занжирбанд  
бўлган кунларда!

Иймон йўлиндадир кўзимиз нури,  
Аллоҳнинг сўзига  
қалбимиз тўри!  
Портлади дунёнинг  
сохта гурури  
Шайтонлар занжирбанд  
бўлган кунларда!

Аллоҳга шукрки, Уни бир билдик,  
Байтуллоҳга иймон  
тўла қалб келдик.  
Зино-ю, фаҳшини  
занжирбанд қилдик,  
Шайтонлар занжирбанд  
бўлган кунларда!  
Аллоҳим, қўлимиз  
Сенгадир очиқ:

Гарчи Рамазондан  
кўнглимиздир тўқ,  
Тузалиб олмасак бошқа  
фурсат йўқ  
Шайтонлар занжирбанд  
бўлган кунларда!  
Шайрулла Ҳамидов



Бугун Ўзбекистонда аҳоли деярли матбуот нашрларини ўқимайди. Ёшларда-ку бу борадаги қизиқиш кундан-кунга сўниб бормоқда.

Фуқароларнинг аксарияти Россия ва бошқа хорижий телерадио каналларининг махсулотларини кўришади ҳамда эшитишади.

Чунки, мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари халқнинг маънавий эҳтиёжини деярли қондирмаяпти.

Мавжуд режим томонидан борган сари ҳар жихатдан сиқувга олинаётган матбуотдан нафақат оддий халқ балки катта-катта ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам безиб бормоқда.

Интервью олиш илинжида борган журналистларнинг кўп ҳолларда бирор бир маълумот ололмасдан мусассалар эшигидан ҳафсаласи пир бўлиб қайтаётганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Ҳаммаёқда расмиятчилик. Бир томондан, айнан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси журналистлари ҳар бир суҳбатдошининг исми-шарифи, қайси ташкилотданлиги,

Пойтахтда собиқ шўро давридан қолган иккита болалар истироҳат боғи бўларди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Адҳам Фозилбековдан кейин Тошкент шахрига Козим Тўлаганов хоким этиб тайинланди-ю, илгари сквер, айна вақтда Амир Темур деб номланувчи хиёбоннинг шундай биқинида жойлашган болалар парки бутунлай бузилиб, унинг тенг ярим майдонига шахар хокимиятининг янги биноси қад кўтарди. Қолган қисми ҳам шу бионинг ҳовлисига айланрилиб, темир панжалар билан ихоталаб қўйилди.

## ТОШКЕНТДАГИ “ЖИЗГРАД”НИ БИЛАСИЗМИ?

Шавкат Мирзиёев ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош Вазир лавозимини эгаллаган заҳоти ўз фаолиятини болаларнинг қувнаб, ўйнаб яйрайдиган севимли масканини тортиб олишдан бошлади. Яъни пойтахтнинг илгари Высоковольный, ҳозирда эса “Яланғоч” деб аталувчи даҳасидаги аввал Вала Котик, кейинчалик Зафар Диёр номи берилган болалар истироҳат боғини пайхонлаб, ўрнига чойхонаю ошхоналар қурдирди. Бундан ўзининг кўнгли тўлмади чоғи, чойхоналару ошхоналарига қўшиб унинг ёнидаги ҳарбий қисм жойлашган биноларни ҳам буздирди. Текисланган бу катта майдон узра хоржлик меъморларни жалб қилган

лавозими, қайси соатдаги кўрсатув ёки эшиттириш нима мавзуда ва неча дақиқа сўзлагани ҳақида раҳбариятга аниқ-тиниқ маълумот бериши шарт.

Иккинчи томондан мансабдор шахслар ҳафтада ёки ҳеч бўлмаганда ойда бир маротаба матбуот ва оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишга мажбур.

Аслида эса уларнинг ўзи бу каби чиқишларни асло исташмайди. Сабоби, биринчидан, билиб-билмай сисёсатга тегиб кетиши мумкин бўлган бирор бир ибора оғзидан чиқиб кетишидан кўрқишади. Иккинчидан, интервью бериш пайтида эҳтиётсизлик

қилиб, оммадан сир тутилиши лозим бўлган баъзи маълумотларни ошкор этиб қўйишдан чўчишади.

Шу боисдан интервью беришни пайсалга солишади ёки журналистлардан ўзларини олиб қочишади.

Лекин юзага келтирилган бундай сичқон-мушук ўйини билан расмиятчиликдан қутулиб бўлармиди.

Қаранг, бунинг ҳам йули топилди. Бош вазир жаноблари Шавкат Мирзиёев ҳар бир фармон ва қарорлар юзасидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришларнинг ҳисоботи билан қизиқиб турган бир муҳим паллада русларнинг “Кто лысы, значит, умный, кто умный, значит, лысы”, нақлини ўзининг ҳаётий шиорига ай-

ҳолда жаҳон андозаларига мос равишда янги лойиҳа асосидаги “Жизград”ни барпо эттиришга киришди. Хатто аҳолининг дастлабки қисми тайёр булган қошоналарга кучиб киришга ҳам улгурди.

### “Жизград”да кимлар яшайди?

Дарвоқе, аҳолининг қадам ранжида қилган дастлабки вакиллари Бош вазирнинг қизи, қуёви, набиралари ва энг яқин қариндошлари бўлди.

Сўнги вақтларда шахарнинг турли жойларида жамиятда янги пайдо бўлган бойлар томонидан давлат идо-

ралари биноларини ҳам ярим йўлда қолдириб кетадиган ҳашаматли уйлар қурилмоқда. Ана шундай пойга бошланган бир пайтда Шавкат Миромонович, кимсан, премьер-министр бўлатуриб, болалар парки ва ҳарбий қисмининг ўрнига ўзининг қариндош-уруғлари учун бор-йўғи 20-25 та дангиллама участкалар қурмай қара-а-аб турсинми? Хозир айна палласи, мамлакатдаги ўттиз миллион аҳолининг қўли етмайдиган шундай баланд от устида турган бўлса-ю, бу каби имкониятлардан фойдаланмасинми? Бойлар икки-учта ҳовли қуриб керилаётган бир вақтда бу кишим керак бўлса, дангиллама шахарча қуриб қўйишгаям қурби етишини кўрсатиб

лантириб олган Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси Алишер Ходжаев усталик билан бу муаммони каттанинг қулоғига шипшитди.

Интервью беришдан бош тортган раҳбарларнинг танобини торттириб қўйиш мақсадида қилинган бу айёрона ва махфий чақимчиликдан Бош Вазир ниҳоятда даргазаб бўлди ҳамда махсус ва махфий қарор қабул қилди.

Қарорга кўра, қайси мансабдор шахс журналистларга интервью беришдан бўйин товласа, унинг фамилияси шахсан Бош фазир жанобларига узатилади ва оқибатда ё каттик

## МАЖБУРИЙ ИНТЕРВЬЮ

жазога мустаҳиқ қилинади ёки лавозимидан бўшатилади.

Шундай қилиб, энди мансабдор шахслар ўзидан юқорида турган идораларга, хусусан, вазирлик, вазирлар маҳкамаси, президент аппаратига ҳафталик, ойлик, кварталлик, йиллик ҳисоботларига қўшимча тарзда оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларини тасдиқловчи маълумотномаларни ҳам тақдим этиб боришлари шарт.

Дарвоқе, бу махсус ва махфий ҳужжат айна дамда бош муҳаррирларнинг темир сандиғида сақланмоқда.

**Холмурод**

қўймасинми? Ахир, лавозимни ҳам бир умрга хатлаб беришмайди-ку. Эртага нима юз беришини ким билади, дейсиз. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бош вазир сифатида Ш.Мирзиёев болалар истироҳат боғини пайхон қилиб буздирди билангина чекланиб қолгани йўқ. Бундан бир оз олдинроқ эндигина туртилган гудак-чакалокларнинг ҳам ризкига куз олайтириб, уларни икки ёшга тулғунига қадар берилиши зарур булган нафақа пулидан ҳам маҳрум этиб қуйди. Ҳа, айтганча, бутун республикада шов-шув бўлаётган “Жизград”га

қисқача изох: Бу бир вақтлар рус империясининг куч-қудратини дунёга кўз-кўз этган Сталинград, Ленинград сингари йирик шахарларга муқояса ва катта ҳавас билан қўйилган ном бўлиб, асли жиззахлик бўлган Шавкат Мирзиёевнинг бугунги кунда халқни қақшатиш ва ўз-ўзини яшнатиш борасидаги кимўзарлик бобида нечоғли салоҳият эгаси эканлигининг яққол далилидир. Бош вазирнинг Жиззахдаги барча хил-у ҳеши ва етти пуштига атаб барпо этилаётган “Жизград”и ҳам замон эврилиб, Россиянинг ...град-...градлари сингари бошқа бир номларга айланиб кетмаслигига кафолат бормикин?

**ҚИЛИЧБЕК**



## ШОИР БЎЛИШ ОСОНМИ?...

Эсимни танибманки, қалам тебратаман. Эсимни танибманки, ичимда бир дард яшайди, исён яшайди. Исёнки ноҳақликка, адолатсизликка қарши. Исёнки, нопокликка, ноҳалолликка қарши. Бу исён менга ҳақгўйлиги учун умри фитналар, аёвсиз калтақлар, хўрликлар исканжасида кечган отамдан ўтган. Бу исён менга бир этак гўдақларни ёлғиз боши, кўзда ёши билан минг бир азоблар билан катта қилган эса-да, ҳеч қачон ҳеч кимга вовайло қилмай, мағрур ва мардонавор ўлим топган, ердай вазмин, ердай бағри кенг онамдан ўтган.

Ичимдаги бу дард миллатнинг тўқис бахт манзилларидан олислаб кетаётганлигидан. Ичимдаги бу дард одамларнинг оддийгина нафс хуружи учун икки дунё саодатининг калитини қўлдан бой бераётганлигидан. Мустақкам халқадан узилиб, риёлар ботқоғига ботиб бораётганлигидандир... аммо менинг ва менга ўхшаганларнинг қуюнчақлиги кимнинг ёмон феълени ўзгартира оларди. Ўзанини ўзгартирмаган ҳаёт ўз оқимида оқиб бормоқда. Менинг эса умрим оқиб бормоқда – сокин зоҳирим ўзанидаги шиддатли туйғуларим ила.

Шу туйғулар, шу изтироблар мени шоир қилган бўлса ажабмас. Қуюнчақлигу дард чекишнинг ўзи шоир бўлишинг учун кифоя эмас. Бунинг ортида қанчалик захмат, ўқиш, изланишлар бор... Энг муҳими, юрагинга Худонинг ўзи ташлаб қуйган бир ўт бўлмаса бариси бекор... Аммо афсуслар бўлсинким, бугун ҳеч бир машаққат, изтироб чекмай туриб, бир думалаб шоир бўлаётганлар, шоирликни карьера ва мансаб аъмоли деб билиб, машҳур бўлишнинг осон йўллари излаётганлар кўпайиб бормоқда.

Бир уни Зулфия номидаги давлат мукофотида даъвогар бўлган қизлардан бири йўқлаб келди ва шеърларига тақриз ёзиб беришимни сўради. Иккита шеърини китоб нашр қилдирибди. Варақлаб кўрсам... Не тил билан айтайки, ўзимнинг илк ки-

тобимдаги жуда кўп мисралар айнан кўчирилган ва жун ифодалар билан давом эттирилганки, бу синтез осмон билан ернинг қовушмаслигидай бир-бирига ҳеч ёпишмаган. Қизиғи, бу китоблар марказий нашрлардан бирида чоп қилинган. Онасининг изоҳ беришича, қиз ҳеч қачон шеър ёзмаган.

Лекин мукофот олиш учун китоблар чиқарса янаям кўпроқ бал

тўплаши мумкинлигини ҳайъат аъзоларидан эшитган.

Ёрдам сўраб ҳажвиялар ёзиб юрадиган бир танишига мурожаат қилганларида уларни кўшни туманда яшайдиган Холбиби исмли бир муаллима аёлнинг уйига олиб бориб таништирган. Шеърларни ўша аёл ёзиб берган ва гапга нўноқроқ қизни уч ой уйида олиб қолиб, саҳнада нутқ сўзлашга ўргатган, нотикликка тайёрлаганмиш.

Китобга киритилган айрим ҳажвияларни эса ёзувчи таниши қоралаб берган, жиянчага менадан совға бўла қолсин, деганмиш. Қизимга шоирликнинг кераги йўқ, ўқишга кириш учун Зулфия мукофотини қўлга киритсак бўлди, -деди қизнинг онаси бамайлихотир. Шоирликнинг кераги бўлмаган ўша қиз бировлар яна бировлардан сатр ўғирлаб, ўзлаштириб ёзиб берган ўша китоблари билан Зоминда ўтказилган ёш ижодкорларнинг республика кўрик-танловида голиб деб топилганига нима дейсиз...

Бу воқеадан анча вақт ўтиб янада ҳайрагланарлиси рўй берди. Кутилмаганда қўл телефонимга сим коққан бир қиз ўзини Гулноза деб таништирди. Шеърларингизнинг ашаддий мухлисман, аввалги иккита китобингиз менда бор. Улардаги барча шеърларни ёдлаб олганман.

Янги китобларингизни қаердан топсам бўлади, Дарвоқе, менинг ҳам иккита шеърини тўплашим нашрдан чиқди. Тошкентдан келган бир машҳур шоир сизни катта линияга олиб чиқамиз, қўллаб-қувватлаймиз, ёрдам берамиз, деб айтганида қувонганимни кўрсангиз эди! Ҳозир университетга кириш учун тайёрланаяпман.- деди ҳаяжондан тўлиб-тошиб.

Унинг севинчларидан севиндим. Қутладим.Омад тиладим.

Сўнг суҳбатдошим майлими Сизга ҳали сиёҳи кўримаган бир шеъримни ўқиб берсам, — деб қолди. Бажонидил рози бўлдим.

Шунда у... Ҳоҳ ишонинг, хоҳ

ишонманг, каминанинг ўн тўрт йил муқаддам Шарқ юлдузи журналида эълон қилинган шеъримни атиги беш-олтита сўзини ўзгартирган, мисралардаги сўзлар ўрнига соддароқ синонимини қўллаган ҳолда ўқиб берса бўладими!..

Мен уни койишни ҳам, кулишни ҳам, куйишни ҳам билмай қолдим... Бу воқеалар бир-бирига боғлиқми ёки йўқми, атай қилинми ё тасодиғми, билмадим. Билганим, шеърлари, туйғулари ва фикрлари ўғирланган, таланаётган ва маънан туналаётган ёлғиз мен эмас. Шу ва шунга ўхшаш талончиликлар бошқа ижодкор дўстларимизнинг ҳаётларида ҳам воқеъ бўлиб тургани рост. Биз ёшларни қай томонга етаклаяпмиз. Сохта обрў, шон-шуҳрат учун ҳар қандай пасткашлигу сурбетликдан қайтмайдиган бу ясама қаҳрамонлардан ким фойда кўради. Ахир, истеъодлар туғилади, ясалмайди-ку. Наҳотки шу оддий ҳақиқатни унутган бўлсак. Кимдан хафа бўлишнинг билмайсан киши. Қаричи калта онаданми ё виждонсиз муаллимдан. Ҳажв бўлган ҳажвчиданми ё асл ижод билан кўчирмачилик ижодини фарқлай олмаган машҳур шоирдан. Мана сизга ҳар жабҳада сохта қаҳрамонлар яшашга кенг йўл очиб бераётган жамиятнинг яна бир фожеаси.

Ердай вазмин ва ердай бағри кенг онамнинг оғир хўрсиниқлар ва аччиқ аламлар билан шундай деганларини эсимда, “йўқлик хўрлик келтиради, болам...”

Бобомдан қолган мўъжазгина ҳовлида баъзан оғзига кучи етмайдиган бойвуччаларнинг кесатиғу кинояларига сабаб бўладиган даражадаги жуда-жуда камтарин бир турмуш шароитида вояга етдик.

Мактабда ҳаммамиз аъло баҳоларга ўқирдик. Хулкимиз ҳам намунали эди. Бироқ... Фан олимпиадаларида “билимли, иқтидорлисиз, келажагингиз порлоқ, лекин хафа бўлманг, тўғри тушунинг, сизга биринчи ўринни бера олмаймиз”, деб қайтаришганида, ўта честнийлигидан эшигига ҳатто эчки олиб боғлай олмаган отам маъмурият талабига кўра қўй сўйиб зиёфат бера олгани учун мактабни битираётганимда меҳнатим билан эришган олтин медалдан мосуво бўлганимда, ҳатто талабалик шарафига қийинчиликлар билан эришган кезларимдаёқ ва ундан кейинги ҳаётимнинг пасту баланд йўлларида ҳам онам айтган ҳикматнинг нечоғли ҳақлигига қайта-қайта иқроп бўлганман.

**Нодира**



Азиз муштарийлар, ёдингизда бўлса, бундан икки йил муқаддам Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг қатор телеканаллари орқали босма оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналист-ходимларнинг товламачилик, таъмагирилик, порахўрлик билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатларини фожия этувчи махсус фильм намойиш қилинганди.

Лекин бу фильмда на давлат, на хусусий телерадиоканалларининг бирор бир ходими ҳақида худди шундай салбий ҳолатларни акс эттирувчи сюжет-лавҳа берилмаганди.

Бундай бирёқламалик, ноҳолис ёндошув кенг жамоатчиликни қизиқтириб ҳайратини оширган бўлса, даврий-вақтли нашрларда ишлаётган-

## ПАЙТ ПОЙЛАНМОҚДА

ларнинг ғазабини кузгатганди. Сабоби, нега фақат газета ва журналларда ишлаётганларнинг фаолияти бу қадар тандкид остига олинди.

Нима миллий телерадиокомпания ёки умуман, электрон оммавий ахборот воситалари ходимларининг пора олиш-бериш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлари аниқланмаганмиди? Аниқланганди.

Хусусан, журналистлар Малоҳат Эшонқулова ва Саодат Омоноваларнинг юқори ташкилотларга ёзган шикоятлари асосида тегишли органлар томонидан ўтказилган тафтишлар жараёнида ўам нафақат порахўрлик, таъмагирилик, товламачилик, балки компания раҳбарияти томонидан давлат мулкни талон-тарож қилиш, кўп миқдорда ўзлаштириш ва шахсий манфаати йўлида ишлатиб юборганлик ҳолатларини тасдиқловчи фактлар юзага чиққан.

Бироқ, осонликча қимирлатиш мушкул бўлган бу оғир ва улкан қозоннинг қопқоғи очилган заҳоти дамини чиқармасдан яна қайтариб ёпиб қўйишига эришилган.

Бу эса тизимнинг коррупция ботқоғига бутунлай ботиб қолганлигига яққол далилдир.

Дарвоқе, ўша махсус фильм Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг ҳар бир теле ва радиоканалларидаги мажлислар залида қайта-қайта намойиш этилиб, журналистлар компаниянинг режим ва хавфсизлик хизмати вакили томонидан қаттиқ огоҳлантирилган ҳам.

Гуё сасишига боши сабаб бўлган наўангнинг бегуноҳ думига кесиласан, дея пўписа қилингандек.

Ходимларга нисбатан бу каби таҳдид ва таҳқирлар, дўқ-пўписалар компания раҳбарияти ва режим хизмати шоввозлари томонидан мунтазам равишда муҳим тадбир сифатида ўтказиб турилади.

Шундай кўрқитиш рейди ва амалиёти боис оддий техник ходимлардан тортиб бош муҳаррирлару канал директорларигача, ҳамма-ҳаммаси юрак олдириб қўйганлигидан ҳатто ўзларининг сояларидан ҳам кўрқадиган бўлиб қолишган.

Яъни бу режим хизматининг ходими ёки уларнинг бир айғоқчиси эмасмикин, деган шубҳа ҳар бир ходимнинг ўй-хаёлини банд этиб туради. Телерадиокомпания худудини махсус бир зонага ўхшаш мумкин.

У ерда ишлаётганлар бир-бири билан салом-алиқда ҳам жуда эҳтиёткор бўлишади.

Чунки, ким қачон ортга ўтиб пичоқ уришини ҳеч ким билмайди. Айниқса, эркин фикрлайдиган, кенг дунёқараш эга бўлган журналистлар доимий кузатув остига олинади ва уларнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати ҳақида оқизмай-томизмай раҳбариятга етказиб турилади.

Гапнинг индаллоси, телерадио компанияси раҳбариятининг ҳануз жазога тортилмай ҳаспушланиб келинаётган катта-катта жиноятлари олдида босма нашрлар ходимларининг бхрттириб кхрсатилган порахўрликлари урвоқ қам эмас. Гуё жамиятда журналистдан бошқа ҳеч ким пора олмайдигандек.

Тўғри-да, у ёқда прокурорлару ҳоқимлар, вазирлару аъёнлар порахўрлик билан орттирилган бойликларидан пишқириб ётса-ю, буёқда бўлар газета ва журнал ходимларини хизмат сафарига бориб пул тўламасдан икки пиёла чой ичганликда ва гуё одамларнинг ҳожатини чиқариш учун 50 ёки 100 долларни пора сифатида олиб, кечириб бўлмас жиноятга қўл урганликда айблаб, юзларига қора сурқаб, бир эмас, икки қисмли махсус фильм тайёрлаб кенг оммага жар солиб турса...

Бу кимга алам қилмайди дейсиз. Хуллас, ноиложликдан ичга ютилган бу ғазаб, дарду-ҳасратлар ҳозирча фақат тор доиралардагина тўқиб сочилмоқда.

Алами ичида қолиб кетган газета-чилар тишларини тишларига босиб, Ҳап, саними, шошмай тур!...-, дея пайт пойлашапти.

Айни пайтда мамлакатдаги коррупциянинг энг катта чинорларидан бири бўлган Уз МТРК раис Алишер Ходжаев мансабдан қулаган куни аламзадалар катта доирада катта факт ва катта фарқ билан ғалабага эришиб, би-и-р хумордан чиқишмоқчи.

**Ҳакимбой**

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СОБИҚ ҲОКИМИ ҲИБСГА ОЛИНГАНИ АЙТИЛМОҚДА

19 декабр куни Ўзбекистон президенти Ислоҳ Каримов ҳам қатнашган Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг сессиясида бу ҳудудда бир йилу тўрт ой ҳокимлик қилган Нормўмин Чориев лавозимидан четлаштирилди.

Уша куни кечга яқин жамоатчилик орасида собиқ ҳокимнинг ҳибсга олингани ҳақида ҳам миш-мишлар тарқалган. Мавзуга ойдинлик киритиш учун вилоят тегишли идоралари билан боғланишга урунишларимиз натижа бермади. Биз суҳбатга тортган ўзбек зиёлиларидан айримлари бу гапларда жон борлигини айтишди.

“Сурхондарё вилоят ҳокими қўлга олинганмиш, ўрнига бошқа киши тайинланганмиш. Ишдан бекорга олинмаса керак булар ахир. Жуда қуюшқонидан чиқиб кетдику булар. Аммо ишдан олинган ҳокимлардан бирортаси четда қолгани йўқ, ҳаммаси ҳибсда ҳозир”, дер экан исми айтилмаглигини сўраган тошкентлик таниқли ҳуқуқ фаоли, вилоят ва шаҳар ҳокимларининг ишдан олиниши Бош вазир Шавкат Мирзиёевга қарши бошланган ҳужум дея изоҳлади. Аммо бошқа бир суҳбатдошимиз сурхондарёлик Уролбой ака собиқ ҳокимнинг ҳибсга олингани ҳақида вилоятда ҳеч қандай гап-сўз йўқлигини, аксинча Чориевга янги лавозим ваъда қилинаётганини айтди.

“Уни ишдан бўшатди, бошқа ҳеч гап йўқ. Кейин Тошкентга кетади, Қишлоқ ва Сув хўжалик вазири бўлади, дейишди. Қўлга олингани ҳақида ҳеч гап йўқ”, деди Уролбой ака. Суҳбатдошимиз шунингдек, ўтган бир йилдан кўпроқ вақт ичида вилоятда собиқ ҳоким Чориев ташаббуси билан анча ўзгаришлар бўлгани, янги бозорлар қурилиб, ҳалқнинг ижтимоий шароити аввалги йилларга нисбатан сал бўлсада яхшиланганини қўшиб қўйди. 19 декабр куни Сурхондарё вилоятга борган ва бу ҳудудда эришилган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд камчиликлар, нуқсонлар, ҳамон ўз ечимини топмаган муаммолар ҳақида гапирган президент Ислоҳ Каримов собиқ прокурор Эшдавлат Жўраевни янги ҳоким этиб тайинлаган.

Эшдавлат Жўраев бунгача Ўзбекистон Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган. Ундан аввал Жўраев Қашқадарё вилоят прокурори курсида саккиз йил ўтирган.

Сурхондарё вилоят ҳукуматида янгиланиш қилган Ислоҳ Каримов ўша куни “Ҳайратон” чегара мажмуасига ҳам борган ва у ерда зобитлар ва аскарлар билан мулоқот қилиб Тошкентга қайтгани хабар қилинди.

**ЎХХ хабар маркази**



Ёшлар билан суҳбатлашишни, уларнинг дунёкараши билан танишишни яхши кўраман. Ёшлар сиймосида миллат келажagini, инсоният келажagini тасаввур қилиб кўришга уринаман. Мана улардан икки нафари йигит ва қиз. Автобус бекатида-миз. Табиатан мулоҳазали, вазмин кўринган, одоб билан жой бўшатган йигит қисқагина суҳбатимиз орасида болалиқдан суяк сили касаллигига мубтало бўлганлиги боис келажакда шифокор бўлишга аҳд қилганлигини айтади. Айни пайтда юридик коллежнинг сўнгги босқичида таҳсил олаётганлигини ғурур билан таъкидлаган қиз келажакда гуманитар йўналиш бўйича ўқишни давом эттиришини, хорижий тилларни ўрганишга иштиёқи баланд эканлигини урғулайди.

-Таржимон бўлмоқчимисиз ё тилшунос олимами, эҳтимол журналистика соҳасида ўқимокчидирсиз, — қизиксиниб сўрадим.

-Э, бошимга ураманми журналистикасини! Биласизми, журналистларни кўрқоклиги учун ҳамма ёмон кўради! Чунки, Ўзбекистонда бирор-таям яхши журналист йўқ!

...Дафъатан устимга бир челак қайноқ сув қуйиб юборилгандек бўлди... Аммо сир бой бергим келмади. Қиз кўзларини лўқ қилиб кўзимга тикилиб турарди. Мен барибир унинг ўз гапини қандай изоҳлашига қизиксиндим ва ўсмоқчиладим:

-Унчалик ҳам эмасдир-ов, гапингизда а-анча муболаға бордек. Фикримча, одамлар ҳаммасини эмас, фақат ўз ишини эплай олмаётган, нуноқ, савияси пастроқ журналистларнигина ёқтиришмаса керак. Изланувчан, савияси юксак, фикран кучли, дадил журналистлар юртимизда ҳам талайгина, Буни аниқ билмай туриб кескин хулоса чиқаришга шошилманг.

-Э, савияси ўзларига сийлов! —, сал қизикқонлик қилди қиз, -Гап савияда эмас, гап журъатда. Бизнинг журналистларимизда журъат

хорижий давлатларнинг журналистлар учун сўз эркинлиги борасида яратиб берган шарт-шароитларини тенглаштира оласизми?. Уларда қонун амалиётга тадбиқ этилган, ҳукумат аъзолари ҳам танқидни тўғри қабул қилишади, шунга руҳан тайёр. Агар бизда ҳам танқид учун қоғозда эмас, амалда кенг йўл очилганда эди, ҳаммаси бошқача бўларди. Чуқур илдиз отиб кетган коррупция занжири билан бўғилган энг яхши журналистларимиз мамлакатни тарк этишга, чет элларга бориб ишлашга мажбур бўлишяпти.

Бу ерда қолганлари ҳам дардини ичга ютиб, сукут сақлаб яшашга маҳкум. Тепадагилар эса халқни алдаб, фақат ўз йўриқларига юрадиган пахтакор журналистларни қахрамон қилиб кўрсатишади, мукофотлашади. Гўё одамлар ҳеч нарсани тушунмай-

## АЙБ КЎПРИКДАМИ Ё КЎПРИКСОЗДА?...

йўқ, ҳақиқатни айтишга кўрқишади. “Тўртинчи ҳокимият”, деган ибора номигагина холос. Аслида-чи... Олис ўлкаларни-ку кўяверинг, жилла курса Россия журналистлари билан солиштира оласизми ўзбек журналистларини. Кўрмайсизми уларни, ҳатто ҳукумат тепасида ўтирган кишиларниям бемалол юзинг-кўзинг демасдан танқид қилиб ташлашади. Бизникилар-чи...

-Кечирасиз, — беихтиёр гапга аралашди йигит. — Аввал айтинг-чи, сиз, ўзингиз, — қизга мурожаат қилиб деди, — Ўзбекистон ҳукумати билан

дигандек. Чинакам фидойи, халқнинг дарди билан яшайдиган журналистларни эса кўкартиришмайди.

... То автобус келгунга қадар ёшлар жиддий баҳслашишди. Менинг миямга эса беихтиёр шу фикр келди. Журналист ким.

Халқ ва ҳокимият орасидаги бир кўприк. Ҳақиқатни айтса, ҳукуматнинг тепкиси — нафратига дучор бўлади, айтмаса, халқнинг... Агар кўприк рисоладагидек қурилмаган бўлса, қай бири айбдор, кўприкми ё кўприксозларми?..

Холида



да тарқалгани ҳақида 20 декабр куни Uznews.net ахборот агентлиги ҳам ёзди.

“Хабардор манба Иноятлов лавозимидан бўшатирилгани, аммо хавфсизлик бошлиғи вазифасини бажарувчиси сифатида ишлаб турганини маълум қилди”, деб ёзган Uznews.net ахборот агентлиги.

Uznews.net давлат идораларидан бирининг ходими, тошкентлик мустақил манбаларидан бири ҳам

дея хабар қилади номи тилга олинган ахборот агентлиги.

Шу ўринда эслатсак, Ўзбекистон президентининг қизи Гулнора Каримовага тегишли экани айтилаётган Twitter саҳифасида ҳам “Иноятлов тўда” сининг Латвияга қочиб кетгани ҳақида хабар тарқалган эди.

Аммо, МХХ бошлиғининг ишдан олингани ёки унга яқин кишиларнинг мамлакат ташқарисига

## МХХ РАИСИ РУСТАМ ИНОЯТОВ ЛАВОЗИМИДАН ЧЕТЛАТИЛГАНИ АЙТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати бошлиғи Рустам Иноятлов истеъфога чиққани ҳақида бир қатор мустақил сайтлар хабар берди.

69 яшар чекист Иноятловнинг вазифасидан четлаштирилгани билан боғлиқ овозлар пойтахт Тошкент-

Иноятловнинг ишдан кетганлиги ҳақида маълум қилганини ёзди.

“Унинг айтишича, истеъфо аниқ, аммо Иноятловнинг лавозимидан бўшатирилганини тасдиқловчи ҳужжатни ҳозирча кўргани йўқ.

Манбамиз Иноятловнинг нафақага чиқарилганини айтди”,

қочиб чиққани ҳақида ҳозирча миш-мишлардан ташқари ишончли маълумот йўқ.

Ўзбекистондаги расмий ва но-расмий матбуот эса бу ҳақида лом-мим демаяпти.

UZBEK.FM



**Шис алайҳиссаломнинг туғилиши**  
Шис алайҳиссаломнинг отаси — Одам алайҳиссалом, онаси — Ҳазрати Ҳавводир (1).

Одам алайҳиссаломнинг ўғли Қобил укаси Ҳобилни ҳасаддан ўлдиргандан беш йил кейин (2) Шис (Ҳийбабуллох) алайҳиссалом туғилди.

Жаброил алайҳиссалом Ҳазрати Ҳаввога:

- Аллоҳ бун (Шисни) сенга Ҳобилнинг ўрнига берди, — деди (3). Ҳийбабуллохга Араб тилида, Шас, Сурён тилида Шос, Иброний тилида Шис дейилган (4).

Шис алайҳиссалом туғилганда, Одам алайҳиссалом:

- Бу ҳийбабуллохдир (ҳийба — тухфага яқин), — деди. Ва бу ҳақда ямин этди (5).

\*\*\*

**Манглайдан манглайга ўтган пайғамбарлик нури**

Ҳазрати Ҳавво Шисга хомила бўлганда, унинг пешонасида бир нур порлай бошлади ва Шис туғилганда, бу нур унинг манглайига кўчиб ўтди. Одам алайҳиссалом бундан Шиснинг ўз ўрнига келажигини англади (6). Шис алайҳиссаломнинг манглайида порлаган бу пайғамбарлик муҳри унинг хотинига, ундан ўғли Анушга, ундан ўғли Қайнанинг манглайига ўтган.

Шу йўсинда асрлар давомида манглайдан манглайга ўтиб, ниҳоят, Абдулмутталибдан Абдуллохга, ундан эса пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга — сўнгги соҳибига етишди (7).

\*\*\*

**Шис алайҳиссаломнинг баъзи фазилатлари ва пайғамбарлиги**

Шис алайҳиссалом Одам алайҳиссалом ўғилларининг

энг улуғи, энг устуни ва Одам алайҳиссаломнинг энг суюклиси, ва унга энг ўхшагани эди (8).

Одам алайҳиссалом вафотидан ўн бир кун аввал (9) Шис алайҳиссаломга:

- Ўғлим, мендан сўнг Халифам сенсан, — деди. Ва унга вазифасини такво билан адо этишни тавсия қилди (10). Бир васиятнома ёзиб, ўз жойига уни вакил тайин этди (11).

Ва бун Қобилдан ва унинг ўғилларидан сир тутишни буюрди (12). Унга кеча ва кундуз соатларини, ҳар бир махлуқнинг қайси соатда қандай ибодатларни адо этишни тушунтирди. Келажакда бўладиган Тўфон ҳақида ҳам билги берди (13).

Одам алайҳиссалом Қобил ўғилларининг зино ва шаробга берилиб, бузилганини кўргач, Шис алайҳиссалом фарзандларининг Қобилники билан уйланмасликлари-

ни танбих этди (14).

Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссаломга йигирма бир (15), Шис алайҳиссаломга эса йигирма тўққиз (16) саҳифа индирди. Ва бу элликка яқин илоҳий саҳифаларга амал қилишни Шис алайҳиссаломни мукаллаф қилди (18).

Аллоҳу Таолонинг “Аъло” сура-сидаги 18-оятдаги “Сухуфи Уло” Ҳийбатуллох Шис алайҳиссалом билан Идрис алайҳиссаломга индирилган саҳифалар эди (19). Пайғамбарлик, дин, ибодат ва Аллоҳу Таолонинг ҳақ ва шариятига кўра ҳаракат Шис алайҳиссалом ва ўғилларида мавжуд эди. Шис алайҳиссаломнинг юрти тоғнинг тепасида, Қобил ўғиллари эса пастда, водийда яшашарди (20). Шис алайҳиссалом Аллоҳни такдис ва танзих этар, ўз қавмига эса Аллоҳу Таоло амрларини бажо келтирмасликнинг оқибати ёмон бўлишини, унинг сифатларидан нуқсон ахтаришни маън қилар ва яхшилик қилишни тарғиб этарди.

Шу боис, Шис ўғиллари ва хотинлари орасида на душманлик, на да ҳасад бор эди. На ёлгон сўйларлар ва на-да беҳуда онт ичар эдилар. Улардан бири ямин этмак (онт ичмак) истаса, “Ҳобилнинг қони устига ямин бўлсин” (яни Ҳобилнинг қони устига онт ичаман), дерди (21).

Одам алайҳиссаломдан кейин Каъбани тош ва лой билан таъмир қилган ҳам Шис алайҳиссалом эди (22). Шис алайҳиссалом то вафот этгунча Маккада қолиб, ҳаж ва умра қилди (23).

\*\*\*

**Шис алайҳиссаломнинг вафоти**

Шис алайҳиссалом вафотидан аввал ўғли Анушни ўз ўрнига тайинлади ва унга Одам алайҳиссаломнинг жасадини қўриқлашни ва Аллоҳнинг буйруқларини бажармасликдан эҳтиёт бўлишни, бун қавмига ҳам уқтиришини, Аллоҳга ибодат этишарини амр этди. Ўғилларига баракот дуоси қилди. Уларнинг яшагани тоғ тепасидан пастга тушмасликларини тайинлади. Қобилнинг болалари билан ётиб-турмасликлари ҳақида улар ямин этдилар. Сўнгра Шис алайҳиссалом вафот этди (24). Унга ва бутун юборилган пайғамбарларга салом бўлсин!

Вафот этганида Шис алайҳиссалом 912 ёшда эди (25), Идрис алайҳиссалом ўша пайтда 25 ёшда эди (26). Шис алайҳиссаломнинг ўғли Ануш отаси-

нинг жасадини махсус дарахт шарба-ти ва дорчин каби хушбўй ҳидли ёғоч ҳидлари билан тобутга қўйди (27). Шис алайҳиссаломнинг жанозасини ўғиллари, ўғилларининг ўғиллари ва қизлари ва қизларининг ўғиллари келиб қилишди (28).

Одам алайҳиссаломнинг ўғилларидан Шис алайҳиссаломдан бошқасининг насли давом этмай, шу ерда кесилди. Шундай қилиб, абул-башар бўлган Одам алайҳиссалом билан бирга Шис алайҳиссалом ҳам (29) бутун инсонларнинг уруғи бориб тақаладиган ажодидир (30).

Шис алайҳиссаломдан сўнгра ўғилларининг насаблари Шис алайҳиссаломга етишмагани каби, Идрис алайҳиссаломгача уларга Ваҳий ва пайғамбарлик ҳам берилмади (31). Ривоятга кўра, Шис алайҳиссалом ҳам Макка тоғларидан Абу Қувайс тоғидаги моғорага кўмилган қариндошлари ёнига дафн этилгандир (32).

\*\*\*

**Шис алайҳиссалом ва Идрис алайҳиссалом орасидаги насаб — қариндошлик**

Шис алайҳиссаломдан кейин ўғли Ануш отаси ва бобосининг васиятига амал қилди. Аллоҳга мукамал шаклда ибодат этди. Қавмига ҳам айни шаклда ҳаракат қилишни амр этди.

Ер юзида хурмо дарахтини илк эккан Ануш эди (33).

Илк кез садақа берган ва садақани ташвиқ этган ҳам у эди. Ануш вафоти олдидан бутун ўғиллари учун баракот дуоси қилди.

(Давоми кейинги саҳифада)



*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

Уларга яшаётгани муқаддас тоғдан пастга тушмасликларини, Қобилнинг болалари билан ётиб-турмасликни тайинлади. Унинг ёнида намоз қилишни ва Аллоҳни тақдис этишларини амр этди. Ануш вафот этганида 965 ёшда эди (34).

Анушнинг манглайида ҳам пайғамбарлик нури порлаб турарди (35). Ҳобилнинг қотили Қобил унинг замонида ўлдирилган эди (36).

Анушнинг ўғиллари ва ўғилларининг ўғиллари Қайнон, Махлоил, Ярд, Ухнух (Идрис), Матту Шалоҳ билан хотинлари ва уларнинг ўғиллари тўпланиб, Анушнинг жаноза намозини қилдилар.

Қайнон латиф, муттақий ва Аллоҳни севган, уни тақдис этган зот эди. Қавмини Аллоҳга итоат этишга, ибодатга чақирди. Одам ва Шис алайҳиссаломларнинг васиятларини адо этишга даъват этди (37).

Қайноннинг манглайида ҳам пайғамбарлик нури порлар эди (38). У вафотидан олдин ўғиллари учун баракат дуоси қилди. Уларни муқаддас тоғдан пастга тушиб, лаънатланган Қобилнинг насли билан ош-қатиқ бўлмаслик ҳақида онт ичирди. Ўз ўрнига Махлоилни тайин этди (39). Қайнон 920 ёшда вафот этди (40).

Қайнон вафот этганда ўғиллари ва ўғилларининг ўғиллари ва Мақлоил, Ярд, Матту Шалоҳ ва уларнинг хотинлари ва уларнинг ўғиллари тўпландилар, Қайнонга жаноза намози қилдилар.

Махлоил Одам ўғилларининг саййиди ва улуғи эди. У ўз қавмини Аллоҳга ибодат ва тоатда тутди. Улими яқинлашганда ўғли Вардни ҳалаф тайин этиб, Одам алайҳиссаломнинг тобутини унга васият этди (41). Илмларни ўргатди. Одамда жараён этажак нарсалардан хабар берди. Одам алайҳиссаломга индирилган “Ҳукмдорларнинг сири” китоби Махлоилда сақланарди (42).

Махлоил 895 ёшда вафот этди (43). Унинг ўрнига тайин этилган Вард ниҳоятда иймонли, том амалли, ўзини Аллоҳга ибодатга берган, кеча-кундуз намоз қилган бир зот эди (44).

Қобилнинг уруғи анчадан бери ичимлик, зино ва ҳаёсизликка берилиб, оташга топина бошлаганди (45). Турли чоғу асбобларини ҳам қўлланардилар. Хотин, эркак, ёш-қари бирга тўпланиб, ноғора, дудук, сурнай, доира чалиб ўйнар ва наъра айтардилар. Ҳатто уларнинг сасларини тоғ тепасидаги Шис алайҳиссаломнинг ўғилларидан баъзилари эшитар эди. Бу зиёфатларга

Қобил наслининг кексалари ҳам берилганди. Улар гуноҳ бўлган бутун нарсаларни қилишарди.

Вақт ўтган сари Шис ўғиллари ҳам авваллари қатъий амал қилган Аҳд ва мийсоқни буза бошладилар. Улардан юзта эркак пастга тушиб, амаки (Қобил) ўғилларининг нима қилаётгани кўрмоқ истадилар (48). Ярд бин Махлоил бундан хабар топиб, “Худо ҳаққи, буни қилманглар”, деди. Уларга оталарининг васияти ва ўзларининг Қобилнинг қони тўкилгач, келтирган яминларини эслатди (49). Уларга ваъз, насиҳат қилди, аммо қулоқ солмадилар (50). Ўғли Ухнух (Идрис алайҳиссалом) оёққа қалқиб: “Шуни яхши билингки, ким отамиз Варданинг гапига қулоқ солмай водийга тушса, уни яна бу ерга, тоққа чиқишига йўл қўймаймиз”, деди. Лекин улар бари бир фикридан қайтишмади (51).

Тоғдан Қобил ўғиллари ёни-

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (2)

га тушдилар. Қобил ўғилларининг қизлари Шис ўғилларини ёнида олиб қолишди. Кейин Шис ўғилларидан яна юз эркак “оға-иниларимиз нима қилишяпти экан”, дея тоғдан водийга тушдилар. Уларни ҳам Қобил ўғилларининг қизлари ушлаб, қўйиб юборишмади. Улар бир-бири билан айшу ишрат қилиб, уйландилар.

Қобил ўғиллари ер юзини тўлдиражак қадар кўпайди. Фақат Нух алайҳиссалом давридаги тўфонда ҳаммаси чўкиб ўлди (52).

Ярд бин Махлоил ўлимидан олдин ўғилларига баракат дуоси қилди. Уларга яшаётганлари тоғдан пастга тушмасликлари ҳақида огоҳлантирди. “Ҳар ҳолда, сизлар бир қунмас бир қун пастга тушасизлар. Ушанда энг охиргингиз отамиз Одам алайҳиссаломнинг жасади солинган тобутни ўзи билан олиб тушсин ва бизга тавсия қилингани каби арзнинг (ернинг) ўртасига кўмсин”, деди. Ўғли Ухнух (Идрис алайҳиссалом) ни ўз ўрнига тайин этди. Унга Кенз моғорасида намоз қилишни тарк этмасликни амр қилди.

Ярд бин Махлоил 962 ёшда вафот этди, жанозасига унинг ўғиллари Ухнух, Матту Шалоҳ, Литак ва Нух алайҳиссаломлар тўпланиб, намоз қилдилар (53).

\*\*\*

**Одам ўғиллари орасида бутпа-растликнинг келиб чиқиши**

Ривоятга кўра, Қобил ўз укаси Ҳобилни ўлдирганда, отаси Одам алайҳиссаломдан кўрқиб, Яманга қочди. Шайтон унга: “Ҳобилнинг қурбони қабул бўлиб, оловда ёниши-

га сабаб, у оташга хизмат қилар ва унга ибодат қиларди. Сен ҳам шундай қил”, деди.

Ва Қобил бир оташгоҳ бино қилиб, ичида олов ёқди ва унга топина бошлади (54). Бут ёғочдан, олтин ёки қумушдан инсон шаклида ясалган бўлса, унга “Санам”, тошдан ясалган бўлса, “Васам” дейилган (55).

Идрис ўғиллари авваллари Одам алайҳиссаломнинг Навз (ёки Бавз) тоғидаги моғорадаги жасадини зиёрат қилишарди, унинг учун Аллоҳдан раҳмат тилар эдилар (56). Қобил бин Одам ўғилларидан бир киши: “Эй Қобил ўғиллари, бу Шиснинг ўғиллари Одамнинг жасадини айланиб, унга таъзим қилишади. Сизнинг эса бундай нарсангиз йўқ”, деди ва улар учун бир бут ясади.

Инсоният тарихида бут ясаган илк одам шу эди (57). Қуръони Каримда Ведд, Сувоъ, Ёғус, Ёвуқ ва Наср

деган исмлар билан кўрсатилган бутлар (58) ривоятга кўра, Одам алайҳиссаломнинг ўғиллари ва ёки ўғилларининг ўғиллари эдилар (60). Булар яхши амалли кишилар эдилар (61).

Халқ уларга қулоқ соларди (62). Сувоънинг Шис алайҳиссалом ўғли, Ёғус, Ёвуқ ва Насрлар эса Сувоънинг ўғли эканлиги ривоят қилинади (63).

Бу кишилар ўлганда, уларнинг жамоати “қошки, буларнинг суратлари бўлсайди, суратларни кўриб, биз ибодатга ташвиқ этилган бўлардик”, дейишди (64). Улар ўлганда, яқинлари қаттиқ изтироб чекишди. Қобил ўғилларидан бири:

- Эй қавмим (65), мен жон беришга кучим етмайди, аммо бу ўлганларнинг бешта суратига бешта бут йўнсам бўлмайдимиз?, — деди.

- Бўлади, — дейишди одамлар.

Шундай қилиб, Вадд, Сувоъ, Ёғус, Ёвуқ ва Наср исмли бешта бут пайдо бўлди.

Бу исмига бут тикланганларнинг амакилари, Амош ўғиллари келиб, бутлар атрофида югуриб айланишиб, уларга таъзим қилишарди.

У аср шундай кечди.

Ярд бин Махлоил, бин Қайнон, бин Ануш, бин Шис ва бин Одам замонида ҳам шундай қилинди (66). Баъзи кимсалар Исломиятдан қайтди (67).

Янаги асрда бутга топиниш янада авж олди. Учинчи асрда “бутларга уларнинг Аллоҳга шафоат этишларига умид қилгани учун топиндилар”, дея куфрни янада орттирдилар.

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

Шу пайтда Аллоҳу Таоло уларга Идрис алайҳиссаломни пайғамбар ўларок юборди. Идрис алайҳиссалом уларни бутга топинишни маън килди, Аллоҳга ибодат қилишга даъват килди (68).

Лекин улар Идрис алайҳиссаломни ёлғончига чиқаришди.

Аллоҳу Таоло Идрис алайҳиссаломни ўзининг юксак мақомига олди. Бутпарастлик Нух алайҳиссалом замонида қадар авж олиб бораверди.

Аллоҳу Таоло Нух алайҳиссаломни пайғамбар ўларок юборди. Нух алайҳиссалом одамларни юз йиллар давомида Аллоҳу Таоло ибодатга даъват этди, лекин улар унга қарши келиб, уни ёлғончига чиқаришди (69).

Нух алайҳиссалом уларни енгаол-

**ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (2)**

магач, ёнидаги мўминларни ва ўзини кутқариш учун Аллоҳга дуо этди (70). Аллоҳу Таоло кофир халқни тўфон сувида бўғди (71). Тўфон сувлари Навз (ва ёки Вавз) тоғидан бешта бутни суриб чиқарди ва пастга туширди.

Сувларнинг шиддатли оқими бутларни ўлкадан ўлкага судради ва, ниҳоят, Жудда тупроғига улоқтирди.

Шундан кейин сувлар чекинди. Шамоллар эсиб, бутларнинг устига тупроқ йиғди, уларни кўмди (72).

\*\*\*

**ИЗОҲЛАР:**

1) Ибн Исҳоқ, Ибн Ҳишом. “Сиро”, 1- жилд, 3- бет; Ибн Сод. “Табақот”, 1- жилд, 39- бет; Балозурий. “Ансоб-ул шараф”, 1- жилд, 3- бет; Ибн Қутайба. “Маориф”, 10- бет; Диноварий. “Китоб-ул Ахбор” 1- бет; Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 8- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 76- бет.

2) Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 76- бет; Салабий. “Ароис”, 47- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 47- бет.

(\*) Эгиз эмас, ёлғиз туғилди (Мир Ҳованд. “Равзот ус-сафо”, Таржима, 115- бет)

3) Ибн Сод. “Табақот”, 1- жилд, 37- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 76- бет; Салабий. “Ароис”, 47- бет; Ибн Асоқир. “Тарих”, 6- жилд, 354- бет. 4) Ибн Сод. “Табақот”, 1- жилд, 37- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 76- бет; Ибн Асоқир. “Тарих”, 6- жилд, 354- бет.

5) Балозурий. “Ансоб-ул шараф”, 1- жилд, 3- бет.

6) Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1- жилд, 37- бет.

7) Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1- жилд, 38-39- бетлар.

8) Ибн Қутайба. “Маориф”, 9- бет; Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 7- бет; Мир Ҳованд. “Равзот ус-сафо”, Таржима, 115- бет.

9) Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 79- бет; Салабий. “Ароис”, 47- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 49- бет.

10) Ибн Асоқир. “Тарих”, 6- жилд, 359- бет.

11) Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 79- бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1- жилд, 49- бет.

12) Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 79- бет; Салабий. “Ароис”, 47- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 49- бет.

13) Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 76- бет; Салабий. “Ароис”, 47- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 47- бет; Абулфило. “Ал бидоя ван-ниҳоя”, 1- жилд, 98- бет; Мир Ҳованд. “Равзот ус-сафо”, Таржима, 115- бет.

14) Ибн Сод. “Табақот”, 1- жилд, 39- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 84- бет; Ибн-ун Недун, “Фихрист”, 39- бет.

(\*) Ўн бет туширилгани ҳақида ҳам ривоятлар бор (Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 161- бет; Абу Нуайм. “Хулёт-ул авлиё”, 1- жилд, 167- бет; Замаҳшарий. “Кашшоф”, 4- жилд, 245- бет; Салабий. “Ароис”, 100- бет; Фахрирозий. “Тафсир”, 31- жилд, 150- бет; Ибн Асоқир. “Тарих”, 6- жилд, 357- бет; Абу-ус Сууд. “Тафсир”, 9- жилд, 143- бет; Олий-ул Муттақий. “Канз-ул уммол”, 16- жилд, 132- бет)

15) Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 75- бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1- жилд, 40- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 27- бет.

16) Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1- жилд, 40- бет; “Ахбор уз-замон”, 86- бет; Ибн-ун Надим, “Фихрист”, 39- бет.

17) Ибн Қутайба. “Маориф”, 10- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 76- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 47- бет; Абулфило. “Ал бидоя ван-ниҳоя”, 1- жилд, 99- бет.

18) Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 81- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 54- бет.

19) Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 86- бет.

20) Масъудий. “Ахбор уз-замон”, 86- бет.

21) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 8- бет.

22) Ибн Қутайба. “Маориф”, 10- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 81- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 54- бет; Мир Ҳованд. “Равзот ус-сафо”, Таржима, 115- бет.

23) Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 81- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 54- бет.

24) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 8- бет.

25) Ибн Қутайба. “Маориф”, 10- бет; Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 8- бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1- жилд, 39- бет; Ибн Асоқир. “Тарих”, 6- жилд, 360- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 54- бет.

26) Ибн Асоқир. “Тарих”, 6- жилд, 359-360- бетлар.

27) Ибн Асоқир. “Тарих”, 6- жилд, 260- бет.

28) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 8- бет; Масъудий. “Ахбор уз-замон”, 86- бет.

29) Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 76, 83- бетлар; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 56- бет; Абулфило. “Ал бидоя ван-ниҳоя”, 3- жилд, 22- бет.

30) Ибн Қутайба. “Маориф”, 10- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 76- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 47- бет; 4-§; Абулфило. “Ал бидоя ван-ниҳоя”, 1- жилд, 98- бет.

31) Масъудий. “Ахбор уз-замон”, 87- бет.

32) Заҳабийдан нақл ила Абу Тоййиб. “Шифо-ул Ғарам”, 1- жилд, 442- бет.

33) Сухайлий. “Равд-ул унуф”, 1- жилд, 81- бет; Мир Ҳованд. “Равзот ус-сафо”, Таржима, 117- бет.

34) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 8-9- бетлар.

35) Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1- жилд, 38- бет.

36) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 8- бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1- жилд, 39- бет.

37) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 9- бет.

38) Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1- жилд, 39- бет.

39) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 9- бет; Диноварий. “Ал-Ахбор”, 1- бет.

40) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 9- бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1- жилд, 39- бет.

41) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 10- бет.

42) Масъудий. “Ахбор уз-замон”, 87- бет.

43) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 10- бет; Масъудий. “Ахбор уз-замон”, 87- бет.

44) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 10- бет

45) Ибн Сод. “Табақот”, 1- жилд, 38- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 84- бет; Салабий. “Ароис”, 47- бет.

46) Салабий. “Ароис”, 47- бет.

47) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 10-11- бетлар.

*Давоми келгуси сонда*

Муҳаммад Солиҳ ҳам Совет даврида динидан узоқлаштирилганлар қаторида “ягона истинотгоҳ”ни, яъни Оллоҳни излайди.

Шеър унинг учун Оллоҳни топиш воситасидир. Солиҳ учун “инсон севгиси, санъат севгиси, ҳатто миллат ва ваган севгиси ҳам ўша истинотгоҳ, ўша ҳузур ва суқун манбаи бўлолмайди:

*Бир ожиз жонзод бор*

*тепе ё пастда*

*Бир заиф мавжудот*

*бордир муқаррар.*

*Йўқса мен ўзимни кучли*

*сезмасдим,*

*Қалб ўзига ишонмас эди бу қадар.*

*Бир куч бордир тепада шаксиз,*

*Ё пастда бир улуг қудрат бор,*

*демак,*

*Йўқса на ўзимни сезаман ожиз,*

*Йўқса нега бунча*

*титрайди юрак?!*

*Япроқсиз.*

*Ялонгоч.*

*Аччиқ.*

*Яна нима керак ифодалаш-чун*

*Бу новданинг ёлғизлигини,*

*Яна нима керак сенга?*

*Бу новданинг йўқотганларини*

*Йўқотиб кўрдингми сен ўзинг?*

*Аммо сен ўжарларча*

*Сўзни арчийсан,*

*Новдани арчийсан беомон.*

*Ниҳоят мана ул,*

*“Ёлғиз” сўзидан ҳам етимроқ,*

*“Оч” сўзидан ҳам озгинроқ*

*Хивич у - шивиллаб*

*турибди дарахтда!*

Муҳаммад Солиҳ ёлғизлик туйғусини тараннум этгани “Шеър” номли манзумасида шеърни совук кечага қиёслайди.

Мисралар япроқларини тўққан дол кабидир:

## МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

Замоннинг мафкуравий ва иқтисодий сафолати, ишизлик ва ниҳоят диний мушоҳадалар Муҳаммад Солиҳда теран бир ёлғизлик ҳисси уйғотади, ишсизлик ва оиладаги ташвишлар шоирнинг хусусий муаммоларидир.

Лекин ёлғизлик ва чорасизлик бутун жамиятнинг проблемасидир.

Муҳаммад Солиҳ 1974 йилда ёзилган “Кўксимдаги бош” номли бир китъадан иборат шеърда ёппа-ёлғизликни тасвирлайди.

Бу мудҳиш ёлғизлик туйғуси ичида ўзининг ягона дўсти сифатида билган юрагини “силашни” орзу қилади.

*Мен сени, юрагим, силагим келар,*

*Эсиз, қолиб кетар менда*

*бу ҳақинг...*

*Кўксимга сен каби бирорта*

*дилбар*

*Бошини қўймаган*

*шунчалар яқин...*

(“Орзу фуқароси”, саҳифа 21.)

1981 йилда ёзилган “Арғамчи” шеърда эса шамол увиллаши ҳоким бўлган бир маконда ёлғизликни арғамчида учаётган бир жонзод сифатида тасаввур қилади:

*Қадам товушлари алдамчи,*

*Шамол увлар, дарахт гижирлар,*

*Бориб- келар бўм-бўи арғамчи,*

*Ўтирибди унда ёлғизлик.*

Шоир “Қишги новда” шеърда ёлғизлик туйғусини кузда ҳар нарсасини йўқотган, япроқсиз, кип-ялонғоч қолган бир новдага қиёс қилади.

Бу новдани “ёлғиз” калимасидан ҳам етим, “оч” калимасидан ҳам озгинроқ кўради.

*Совук кеча каби энди шеър.*

*Япроқларин тўқди сатрлар.*

*Йўқ, ҳеч кимдан хафа эмасман,*

*Фақат совуқ кеча каби шеър.*

*Йўқ, кимдан ҳам хафа бўлардим,*

*Фақат шеър...*

*Фақат ҳар бир сўз*

*ёқасини кўтариб олиб,*

*Бегона одамдай ўтиб бормоқда.*

(1981, “Олис табассум сояси”, 138-саҳифа)

Ёлғизлик “Қабр тошдаги ёзув” шеърда эса ўлим сифатида мутолаа қилинмоқдадир:

*...Асло менга ўхшаб,*

*Яқин одамнинг йўқатмагин сен.*

*Кейин менга ўхшаб*

*хатлар кутма,*

*Барибир хат келмас сенга,*

*Худди менга келмаганидай.*

*Кейин менга ўхшаб*

*Ўзингни қўярга жой топмай,*

*Қўймагин, қўймагил ўзингни,*

*Мен ўзимни қўйган бу ерга!*

Шоир “Энди сизга навбат” шеърда деворлар билан гаплашади, ягона дўсти деб билган деворларга калбини очиб, дардини сўйлайди:

*...Энди сизга навбат,*

*Сизлар ҳам ненидир ҳикоя қилинг,*

*Дилингизни очинг,*

*Кўксимга бош уриб,*

*сизлар ҳам йиғланг.*

Шоир ёлғизлик бурчагида энди деворларнинг дардини тинглашга ҳозир:

*Билинг, қаттиқ эрур инсон*

*сиздан ҳам,*

*Инсон қаттиқ эрур тошдан ҳам,*

*Деворнинг дардидан*

*ёрилмас инсон.*

мисраларида деворга, тошга нисбатан ҳам каттиқроқ эканлигини билдиради.

Бу мисраларда совет инсонининг бағритошлиги, уни етиштирган режим киноя қилинади.

Муҳаммад Солиҳ ёлғизлик туйғусини энг кучли шаклда “Ёлғизлик” шеърда ифодалаган. Шеър Қаҳромони ўзини “Ҳасани ўлган бир Ҳусан каби” ҳис этади.

Бошқа тарафдан ёлғизликни тоқ ва мислсиз, тенги бўлмаган каби маънолари борлигини ўйласак, бу шеърда шоир ўзининг бошқаларга ўхшамаганидан хафа бўлаётгани йўқ, балки ўз нафси муҳофазаси нуқтаи-назаридан бу ёлғизликдан мамнун кўрингандай туюлади.

### 5. ТАБИАТ ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

Муҳаммад Солиҳ шеърларидан табиат кенг миқёсда ўрин олган. Бу

шеърларининг бир қисми табиатга бевосита тасис этилса-да, иккинчи қисмида шеърда табиат унсурларидан истифода қилинади.

Бошқа бир сўз билан айтганда, табиат шоирнинг рухий ҳолатини англаштиш учун ёрдამчи унсур мавкеидадир. Шеърларининг деярли ҳаммасида табиат таҳис этилгандир.

Ҳатто баъзи шеърларда интокга (гаплашиш қобилиятига эга бўлмаган мавжудотларни гапиртириш жанри) ҳам ўрин берилганини кўраимиз.

Муҳаммад Солиҳ мавсумлар ҳақида ёзган шеърларида баъзи бўртган ташбеҳлари билан мавжуд сиёсий-ижтимоий ҳаёт ўртасида ўхшашликларни кўриш мумкин.

Шоир кўпроқ қиш ҳақида ёзди ва табиатнинг бу мавсумидаги ялонғочлик, ёлғизлик ва чорасизлик билан ўзи орасида муносабат куради. Баҳорни ҳаёжон билан кутган шеърларидан бирига “Кечиккан баҳор” исмини беради.

Метафорик хусусиятга эга бўлган бу шеърда Совет империясининг 1970 йиллардаги турғунлик ҳолати тасвирланади гўё:

*Ҳеч ким шеър ёзмайди бугун,*

*Новданинг бўғзида қолди*

*куртаклар,*

*Юраклар - кўкракда вазнсиз*

*туғун,*

*Булут кўр қуёшни юрар етаклаб...*

Юқоридаги мисраларда қиш мавсумининг ҳаёт манбаи болишдан ожиз “кўр қуёш” бизнингча, сотсиалистик мафқурани тамсил этмоқдадир.

*Давоми келгуси сонда*

## ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Бу оят зеҳним бурчакларида яшашда давом этаётган стероидларни буткул ўчириб ташлади. Ва мен тушунмаганларимнинг ҳаммасини инсонни, унинг касаллигини ва бу касалликнинг шифосини Яратгандан сўрай бошладим.



Ва хамиша ҳар бир саволимга бирданига уч-тўрт тарафдан, бир-бирини тасдиқловчи жавоблар олдим: оят ва ҳадис, бир касаллик ҳодисаси, китоб ёки журналда босилган мақола воситасида. (Албатта, ҳамма ўз саволларига Ундан жавоб олади, аммо кўплар бунга эътибор қилмайди)

Бу ҳолат кейинроқ мен учун қонунга айланди: бир кашфни тасдиқловчи ҳадис ва оят тополмасам, уни асло қўлланмадим.

Алхамдулиллоҳ, энди замонавий медицинанинг кўзни алоҳида, бурунни алоҳида, кулоқни алоҳида даволаш каби фундаментал фалсафасининг хато эканини англайдиган бўлдим. Ҳеч қандай кулоқ-бўғиз-бурун (ухо-горло-нос) доктори ёки «кўз доктори» йўқ. Фақат Аллоҳнинг қонунларига биноан бутун касалликларни даволайдиган ҳақимлар ва бу қонунларни топтаб, касалликларни кўпайтирадиган жоҳиллар бор.

Бурунни алоҳида даволаб бўлмайди, чунки унинг соғлиги ҳазм органларига, миёга, ирсий аъзоларга ва юракнинг аҳволига боғлиқ. Кўзни ҳам алоҳида даволаб бўлмайди, чунки унинг соғлиги ҳазм органларига, ингичка ичакларнинг, жигар ва буйракнинг соғлиги ва яна юракнинг соғлигига боғлиқ. Юракнинг соғлиги эса, ҳазм тизимининг, ўпка, жигар ва буйракнинг соғлиги билан боғлиқ.

Бир бемор тибб дунёсида ташхис қилинмаган кўз касаллигидан шикоят билан келди. “Неча хил касалликлар ўтказдингиз?”, деб сўраганимда, “ҳеч қандай касаллик кечирмадим. Фақат икки йил аввал кичик безовталик ўтказдим. Икки оёғим ҳам ўрта уч бармоғим орасида ёқувчи ва жуда кўп кичийдиган оқиш бор эди. Лекин фармацевт танишим, соғ бўлсин, бир дори берди ва бу оқишнинг бир-икки кунда тўхташини айтди. Дорини сурдим, оқиш ҳам, қичиш ҳам кетди. Қутулдим. Лекин бу воқеа кўз ка-

саллигим билан ҳеч қандай алоқаси йўқ”, деди.

Аслида, бу воқеа тўғридан-тўғри кўзларидаги касаллик билан боғлиқ эди, чунки оёқнинг ўрта уч бармоғининг акупунктур нуқталаридан бошлаб, кўз марказига кетган энергия оқими бор. Бу бемор олтин ва қумуш ишлатиладиган кимёвий моддалар (синил кислота каби) билан ишлаганди. Бу моддалар кўз марказига бирикмасдан, оёқ бармоқларининг орасидаги оқим билан ташқарига чиқаётган эди. Чиқиш йўли фармацевт берган дори билан ёпилгач, бемор бу “ташхис қилинмаган кўз касаллиги”га тутилган эди...

Сўзимни замонавий медицина ҳақда бир жумла билан тугатмоқчиман: бир ёш доктор аёл менга шундай деган эди: «Мен университетда 3-курсгача инсон вужудидаги бу бир-бирига чамбарчарс боғланган, бир-бирини тўлдирган мураккаб системани кўриб, бу ҳашаматли лабиринтда мен қандай йўл топаман?» деб кўрққандим”. Аммо 4-курсда мен учун ҳамма нарса жой-жойига тушди, муаммо қолмади: бутун касаллар учун аввалдан тайёрланган ташхис ва даволаш схемалари мавжуд экан, сен доктор сифатида фақат анализларни кўриб, рецепт ёзсанг бўлди экан. Ҳатто касални кўришга ҳам ҳожат йўқ экан»...

**Зебо Ёқубова:** Сиз ҳамма касалликни давоси бор дегансиз, айтингчи «Рак», яъни «Саратон» касаллигини ҳам табобат йўли билан даволаса бўладими? Инсон буткул шу дарддан даволаниб кетадими?

Шу ҳақда озроқ тўхталиб ўтсангиз. Уни, яъни саратон касаллигини келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири нимада дейсиз? Агар даволаб бўлса, қандай даволашни мумкин?

**Ойдин Солиҳ:** Мен бу саволга ўзимнинг жавобимни муаммони умумий тушунтириб беришдан бошлайман.

Рак ва СПИД каби оғир касалликларнинг ривожланиши энтропиянинг тез юксалиши билан параллел равишда ҳаракат этади.

Энтропия - бу энергия сочилиши жараёнидир. Бутун жонзотлар, шу жумладан инсон ҳам, охир-оқибатда энергиянинг сурункали сочилиш жараёнига, яъни ўлимга маҳкумдир.

Ақсар касалликларнинг тамал сабаби - иммун системасининг етарсизлигидир.

Иммун системасининг етарсизлиги баданнинг инфекцияларга, рак ва СПИД каби даволаниши қийин, оғир хасталикларга бўлган юксак ҳассосияти (сезувчанлиги) билан ўлчанади.

Бу ҳол - иммун системасининг турли даражалардаги чўкиши ва тўла хароб бўлишгача борган ҳолидир.

Бу ҳолида, иммун системаси организмнинг индивидуал жиҳатларининг ёмон таъсирлардан ҳимоясини таъминлай олмайди.

Ҳужайралар митохондриясида энергия етарсиз микдорда ишлаб чиқарила бошлайди ёки умуман ишлаб чиқарилишдан тўхтайтиди.

Демак, оксиллар ҳам етарсиз микдорда ёки умуман синтез қилинишдан тўхтайтиди.

Саратон ва СПИД касаллиги миосолида, энергия ишлаб чиқарилмас экан, оксиллар синтез қилинмас экан, энтропиянинг тезлиги фожеали шаклда юксалади ва тўхтатиш имконсиздир.

Энтропияга қарши туриши мумкин бўлган ягона нарса - РУҲ материyasидир. Оғир касалликлар ҳолатида Руҳ энергияси шу қадар юксалиши керак-ки, у вайрон бўлган иммун системасини тикласин.

Бундай мўъжиза фақат ташқаридан мадад шаклида келиши мумкин. (Исо алайҳиссалом моховларни даволаб, ўликларни тирилтирганини эсланг)

Зеро, Ибн Сино моховни «вужуднинг саратони» деб атаган эди.

Аммо касаллик (шиш) ҳалоқатли босқичга келмаган бўлса, инсон ихлосли ибодат йўли билан иммун системасини тиклаш учун лозим бўлган ўша энергияни қўлга киритиши мумкин.

Бу вазиятда тиббий даволаш кўмак беради.

Иммун системаси тикланган киши худди янги дунёга келгандай бўлади. Бундай ҳолларда одамлар уларга юборилган касаллик учун Аллоҳга шукр қиладилар.

Шу боис, тажрибамда эътиқодли инсонларни даволаш ишонмайдиганларни даволашдан осон ва эффективроқ бўлган.

**Ойдин СОЛИҲ**

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)

**ERKIN YURT**

“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотлардан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Камолитдин Йўлдош**